



Олимат ул – Банст

МУОШАРАТ  
ОДОБИ

Тошкент—"Меҳнат"—1991

ББК 74.9  
О 49

Таржимон ва нашрга тайёрловчи —  
ТЕНАВОЙ ЗИЁЕВ

Маъсул муҳаррир — Ўзбекистон ССЖ ФА Шарқшунослик  
институтининг катта илмий ходими — АБДУСОДИҚ ИРИСОВ

Муҳаррир МАҲМУД ТУЙЧИЕВ

Ушбу китобча «Туркистон» шжодий биришмасининг  
мўлжалли яштироки ва унинг буюртмаси асосида chop этил-  
ди. Шартнома баҳосида харид қилинган қорозга босмади.  
Китобнинг нархи ҳам шулар асосида белгиланди.

Олимат ул — Банот.  
О 49 Мушарат одоби // Масъул муҳаррир А. Ири-  
сов; Таржимон ва нашр. тайёрловчи Т. Зиёев/. — Т.:  
Меҳнат, 1991.—32 б.—(Мерос).

Олимат ул-Банот. О благородном поведении.

ББК 74.9

ISBN 5—8244—0756—8 © «Меҳнат» нашриёти, 1991.

## АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ — ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АСОСИ



Қанчадан-қанча қатағонлар, босқину ёнғинларга қарамай, аждодларимиздан бизга адабий, илмий-фалсафий ва бошқа соҳадаги минг-минглаб ноёб китоб ва қўлёзмалар етиб келган. Ана шу дурдона манбаларда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз, маданиятимиз, қўйингки, ўзлигимиз мужассам. Аждодларимиздан қолган бебаҳо меросни ўрганиш учун бу китоб ва қўлёзмаларнинг барчасини нашр этиб халқимизга етказишимиз керак.

Бугунги кунга келиб қадриятларимизни тиклашга, тарихимизни ўрганишга, ўзлигимизни англаб етишга астойдил аҳд қилган эканмиз, бунда ҳам мана шу дурдона асарлар бизга қўл келиши муқаррардир.

Ана шундай эзгу мақсадларни назарда тутиб «Меҳнат» нашриёти «Мерос» деган янги рукн ташкил этди ва қадимги китоб ҳамда қўлёзмаларни шу рукн остида мунтазам чоп этиб боришга аҳд қилди. Қўлингиздаги «Муошарат одоби» деб аталадиган мўъжазгина китобча ана шу йўлдаги биринчи қадамдир.

«Муошарат одоби» 1898 ва 1899 йилларда Санкт-Петербургда икки марта нашр этилган. Рисола одоб-

ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни ва оилавий вазифалари ҳақидадир. Унда эр ва хотин орасидаги муносабатлар, болалар тарбияси, оила юритиш, никоҳ ва муҳаббат ҳақида ғоят ибратли маслаҳатлар берилади.

Маълумки, Ислом динининг муқаддас манбалари бўлмиш Қуръон ва ҳадисларда ҳам юқоридаги масалаларга кенг ўрин ажратилган. «Муошарат одоби» асари ҳам ана шу манбаларга таяниб ёзилган. Шуларни ҳисобга олиб қўлингиздаги китобда оилавий муносабатлар, ота-оналарнинг вазифалари ва фарвандларнинг бурчи, болалар тарбияси, никоҳ ва муҳаббат ҳақидаги ҳадислардан намуналар беришни лавим топдик. Ҳадислар Орифбекнинг 1908 йил Санкт-Петербургда чоп этилган «Минг бир ҳадис» асаридан олинди.

«Муошарат одоби» рисоласининг муаллифаси Охунд Лутфуллоҳ Сулаймоний қизи Олима ул-Банот ҳақида Ризоуддин ибн Фахриддиннинг «Машҳур хотунлар» (Оренбург, 1904) деган китобида қуйидагиларни ўқиймиз: «Олима ул-Банот — Хон Кермон ноҳиясинда имом Муҳаммад Ориф иб. Бектемир халиласи (хотини) дир. Олима ва фозила бир хотун ўлуб, ёзуви дуруст, иншоси такаллуфсиздир. «Муошарат одоби» ном матбуъ (босма) асари фойдали ва гўзал бир асардир. Умрни авлод-и муслимини таълиму тарбия этмак-ла кечирур деюрлар» (289—290-бетлар).

Мазкур китобни Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими Тешабой Зиёев нашрга тайёрлади.

Юқорида айтганимиздек, «Муошарат одоби», «Мерос» рукнида чоп этиладиган китобларимизнинг дастлабкиси. Бундан ташқари, «Оила» (Ризоуддин ибн Фахриддин), «Нурнома», «Дур-ул-ажойиб», «Толъенома», «Таъбирнома» ва бошқа қатор ноёб китобларни ҳам нашр этишга ҳозирляяпмиз.

Ҳурматли китобхон! Бу китоблар Сизларнинг маънавий дунёингизнинг бойишига, қадриятларимизнинг тикланишига ёрдам беради, деб умид қиламиз. Шунинг учун «Мерос» рукни остида чоп этилаётган китобларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз, улар келгуси ишларимизда бизга жуда асқотади.

*Муҳаррир.*

## МУАЛЛИФА ТАРАФИДАН БИР-ИККИ СЎЗ



Маълумки, кўпчилик турли-туман фикр-андишалар билан банд бўлиб яшайди. Бундай фикр-андишалар хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ хато бўлсин, барибир, унинг соҳибига бутунлай гўзал кўриниши, ажойиб бўлиши табиий бир ҳолдир.

Шунинг учун менда ҳам бир фикр бор, лекин шариат билан ақлга мувофиқ бўлгани учун бу фикрни мутлақо эътиқод этмоқ ва тўғри деб билмоқдамен. Бу фикр жинсдошимиз бўлган хотунлар топфаси орасида ялму маърифат тарқатмоқ ва уларни маълумот соҳибалари қилмоқдан иборатдир.

Чунки дунёда мавжуд бўлган инсонларнинг ярми хотунлардир. Оиланинг бахту саодати ҳам хотунларнинг ақлли-ю илмли бўлмоқларига боғланмишдир. Хотунлар яхши тарбияли болаларни етиштирурлар. Уларнинг тарбиялари орқали дунёда улуг зотлар етишиб чиқиши муқаррардир.

Агар хотун ўқиган бўлса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шак-шубҳасиз билади. Болаларини эса гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади ва ниҳоят Аллоҳ Таолонинг амрига мувофиқ ҳаёт кечиради. Ва шу сабабли ўзи ҳам, эри ҳам, болалари ҳам дунё ва охиратда масрур бўлади.

Мен юқорида баён этганим мамлакатимиз узра бўлган хотун-қизларга муошарат (турмуш) одобини баён этиб, ушбу рисола ни ёздим. Исмини ҳам «Муошарат одоби» деб қўяқолдим. Мумкин қадар ўз тилимиз билан ёзишга ҳаракат қилдим. Худо хоҳласа, бу китоб баъзи одамларга фойдадан холи бўлмас, деган умиддаман. Менга шунинг ўзи кифоядир.

*Олимат ул-Банот.*



## МУОШАРАТ ОДОБИ

Гўзал турмуш роҳат-фароғат билан умр ўтказмоқдан иборатдир. Умр ҳеч маҳал бир ерда тўхтаб турмас, балки ҳамиша бирин-сирин ўтар ва ниҳоят тугар ҳам. Ўтган умрни бутун дунё молини бериб бўлса ҳам қайтариб бўлмас. Шунинг учун бу оз умрни роҳат-фароғат билан кечирмоқ, зое ўтказмоқдан сақланмоқ лозим бўлади. Кўркам бўлган оз умр узун ҳисобланади, кўркам бўлмаган узун турмуш қисқа саналади. Кўркам турмуш эса, ҳусн-и хулққа боғлиқдир. Кўркам хулқ ғаларининг яхши турмуш кечирганлари ҳар қачон ҳам тажриба билан маълум бўлгандир. Кўркам хулқ эса, инсонда улуг бир фазилат ҳисобланади. Бу ҳақда шариатимизда муқаддас амр, шунингдек ваъзу насиҳатлар айтилган. Ақлли бўлган одамларнинг ўзлари ҳам буни очиқ билмоқдалар. Ҳусн-и хулқдан бири кишида улфат бўлиш хусусиятининг борлигидир. Бу эса очиқ юзли, ширин сўзли бўлмоқдан иборатдир. Шу билан бирга бировнинг олдида ҳам, орқасида ҳам ҳурматини бажо келтирмоқ, ҳаққиға рисоя қилмоқдан иборатдир. Ушбу улфат муошаратга улуг сабабчи бўлгани учун шариат ва ақл кўзгусида мадҳ этилгандир.

### ХОТУНЛАР БИЛАН ЭРЛАР ОРАСИДА БЎЛГАН ОДОБ ҲАҚИДА

Тажрибаларга кўра, хотунларнинг гўзал хулқли бўлмоқлари сабабли, эрлари ҳам гўзал хулқли бўладилар. Бунинг аксича, агар хотунлар ёмон хулқли бўлсалар, эрларининг хулқлари ҳам шунга кўра бузилади, ёмонланади. Эр билан хотун орасида бўлган турмушда келишув бўлмаса, ҳар иккиси учун ҳам улуг ҳасрат, зўр машаққат бўлади, бунинг натижаси-

да маишатнинг лаззати тугайди, роҳати кетади, тад-биру чоралар бузилади, натижада хонадон аъзолари орасида бир-бирига душманлик пайдо бўлади, болалар тинчлиги йўқолади, бундан кўп ножўя ишлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам кўркем турмуш кечирмоқ ва унга интилмоқ, биринчи даражада, хотунлар усти-га тушмоғи лозим ва шундай бўлиши ҳам керакдир.

Эрлар билан кўркем турмуш қурмоқ учун хотунлар ушбу икки турли нарсани эътиборга олмоғи лозим.

Биринчи: эрларнинг табиат мижозини ва хулқини яхши билмоқ ва бунинг учун уларни кўп мартабалар синамоқ керакдир. Сўнгра ана шунга мувофиқ иш қил-моқ лозим бўлади. Яъни эр бўлган киши қандай нар-салардан хурсанд бўлади-ю, қандай ишлардан кўнгли қолади. Ёки қандай ишларни севмайди-ю, нимадан кўнгли бузилади. Шунинг учун ҳар вақт хотунлар эр-ларининг табиатларини очиқ билиб, уларнинг ёқтирган чарсаларини қилишлари ва ёқтирмаган нарсаларини қилмасликлари лозимдир.

Иккинчидан: улар эрларига итоатли хотунлар ҳа-қида бўлган яхши хабарларни ҳамда итоатсиз хотун-лар ҳақида бўлган ёмон хабарларни ҳам билмоқлари лозим бўлади. Шариатимиз эса, итоатли хотунларга «эзгу хотунлар» исмини бериб, амаллари баробарига ҳам кўп савоблар ваъда этганлар. Итоатсиз хотунлар-ни «ўсал, уятсиз хотунлар» деб атаб, дунё кўрган ма-шаққатларидан ортиқ, охирагда ҳам бир қадар азоблар бўлажагидан хабар берганлар.

Эзгу ниятли хотунлар, гуноҳ бўлмаган сувратда эрлари буюрган хизматларни қиладилар ва кучлари ет-ган қадар эрларининг сўзларини комил қиладилар.

Байт:

Неку зотиға эди, некухўй<sup>1</sup>  
Эрусан бул ажаб мунқода-йи шўй<sup>2</sup>.  
Деди: қасдим манинг тангрим ризоси  
Битар бу ўртада эр муддаоси.  
Икки тоат муяссардир бир ишда  
Нечук сўнмай бўйин амр айламишда.

Ва яна эрни ризо этиб вафот этган хотуннинг ўрни жаннатда бўлади, деган хабар ҳам келган.

<sup>1</sup> Некухўй — яхши хулқли.

<sup>2</sup> Мунқода-йи шўй — эрига итоатли.



Ва яна Абу Хурайрадан (худо ундан рози бўлсун): агарда бир хотун беш вақт намозини ўқиса, рамазон ойида рўза тутса, ўзини ҳаромдан сақласа, эрига итоат қилса, унинг ўрни жаннатда бўлади, деб ривоят қилади.

Лекин юқорида айтганимиздек, агарда эри ўз хотунини бирор тур гуноҳ ишларга буюрса, у вақтда албагта аёл буни қабул этмаслиги зарур. Зеро, тангри таоло гуноҳ қилган банда ишларини мақбул кўрмас.

Энди, бир хотун ушбу равишда бузуқ ва гуноҳ ишларга ундовчи эрга мубтало бўлса, мумкин қадар сабр этиб, Аллоҳ Таолодан эрига тавфиқ тилаб, дуо қилади, бу билан иш битмаса, ундан айрилмоқ йўлини кўришга шарият тарафидан рухсат этилади.

Эрларга ёқишликнинг улуғ шарти ҳам ушбу нарсалардир: тану кийимларни эски ҳид, тўзону лойлардан пок этмоқ ва мумкин қадар тоза тутмоқдир. Эрларни ризо этмоқ нияти билан бу ишларни қилмоқ шарият қошида ҳам хуш иш бўлади. Бунга мувофиқ бир араб хотунининг қизини куёвга топширган вақтда этган насиҳатларини бу ўринда ёзамиз. Бу араб хотунининг насиҳатлари ҳам бизнинг қизларимизга айтишга яраликдир. Насиҳатлар ҳам гўзалдир.

У айтадики, қизим! Улфат этган уйингдан чиқдинг, билмаган тўшакка кирдинг. Танимаган кишига йўлдош бўлдинг, энди ушбу йўлдошингга сен ер бўл! У сенга кўк бўлур, сен ер каби остида тур! У сенга кўк шаклидаги соя бўлиб турур, шифоли ёмғирлари билан кўк ерни роҳатлантиргани каби, у ҳам сенга марҳаматли бўлур демакдир. Сен унга тўшак бўл! У сенга терак бўлур, сен унга канизак бўл! У сенга қул бўлур, тоқати етмаган нарсалар учун уни зўрлама! Чунки бундай иш аччиққа сабаб бўлур. Ундан йироқ бўлма, ўзингни унитдирасан. На қадар яқин бўлса, сен ҳам шу қадар яқин бўл! Унинг димоғини эски ҳидлардан, қулоғини ёмону заҳарли-пичинг сўзлардан сақла. Покизаликка одат қил. Сендан ҳар вақт ушбўйлик келиб турсин. Сўзингни ширин, юзингни очиқ қил, эринг яхши ва мулойим сўзлардан бошқа нарсани сендан ҳеч эшитмасин. Эски кийим ва рағбатсиз қиёфа билан эринг кўзига кўринма. Одатий кўриниш вақтларида эринг сени рағбатсиз равишда кўрмасин. Араб хотунининг насиҳати ушбу ўринда тугади.

Яна хотунларга шулар лозим бўлади: эр бир иш билан банд бўлиб, бехосдан хотунга аччиқланган вақтларида сабр этмоқ, аччиқни ютиб чидамоқ ва бунинг учун ҳам Аллоҳ Таолодан эзгуликни умид этмоқ.

Яна бир араб шоири ўз хотунига айтади: «менинг аччиғим чиққан вақтда мени кечир, ўзингни тий, мени қўрқитаман ва мендан устун келамаман деган фикрга бориб менинг аччиғимни баттар чиқарма. Биласанку, мен сени доим ёқтираман. Шундай вақтда менга жавоб қилмай, жимгина тур. Гарчи шундай қилиб мендан устун бўлмоғинг эҳтимол бўлса-да, аммо менинг аччиғимни орттириб, катта зарар этишинг ҳам мумкиндир. Аччиқ чиққандан кейин нима бўлишини билмасан. Бу вақтда менинг сенга бўлган муҳаббатимни сўндирасан: муҳаббат билан нафрат бир кўнгилга сиймас, нафрат бор кўнгилда муҳаббат турмас, чиқади-ке-тади».

Эзгу хотунлар, эрларига кўзлари тушганда, очиқ чехралари билан шодлантирадилар. Топширган юмушларини ихлос билан қабул қиладилар. Эрлари сафарда бўлса, ўзини ҳам, эрининг молини ҳам яхши сақлайдилар, фарз намозларини ўқийдилар, ўзларини харому одобсизликдан пок тутадилар. Қилган хизматлари билан эрларига миннат қилмаслар (мен ундай қилдим, бундай қилдим, қадримни билмайсан, демаслар). Бирга ҳаёт кечирмоқ мумкин бўлган ҳолатда талоқ сўрамаслар. Эрларига ўз вақтида емоқ-ичмоқ ҳозирлайдилар, кийимларини ювадилар, таҳорат суви ҳозирлайдилар. Оилада сарф-харажат хусусида эрларини кўнглига қайғу ва хасрат солмаслар, ҳатто эрларига овозларини баланд қилиб сўзламаслар, балки мулойиму очиқ юзлик ва латофат билан сўзларлар. Эрларининг уйлари-ни ташлаб, чиқиб кетмаслар. Ҳаттоки, ота билан онага, бошқа ҳурматли қариндошларга борган вақтда эрларидан сўраб, рухсат олиб борадилар. Пулни бекорга исроф қилмайдилар, ортиқча харажат қилмайдилар, ҳаттоки эрларидан рухсат бўлмаса, унинг молидан хайр-садақа ҳам бермайдилар.

Эрларининг болалари бўлса, уларга жабр-зулм қилмайдилар.

Бу сифатли эзгу хотунлар, гарчи оз бўлсаларда, аммо дунё юзида борлар. Бундай ҳурматли хотунларга тўғри келган эрлардек бахтли кимса ҳеч бўлмас. Шу-

нинг учун бу хил олийжаноб эзгу хотунлар ҳақида бир шоир хуш байтларни айтади:

Агар бор олғанингнинг яхши қоли,  
Дема хотув, дегил диннинг камоли.  
Хуш ул зан билмаса беҳуда дерни  
Сучук лафзи билан шод этса эрни.  
Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,  
Уни чиқмас они айтурга бир кун.  
Сирин фош айламас гар гамда бўлсун,  
Агар танг бўлса, айтур бўлса, бўлсун.  
Агар заннинг бунингдек бўлса ҳешти  
Они билгил бу дунёнинг беҳишти.  
Қўлингга тушса бундоғ нозанин гул  
Дегил: бу сандадур, бу санда, мен қул.  
Сарой-и охиратнинг зодидур<sup>1</sup> ул,  
Иноят гулшанининг бодидур<sup>2</sup> ул.

Энди бизнинг хулқимиз, айтганимиздек хотунлари эзгу ниятли бўлишларини истасалар, хотунларни бахтли бўлишига рағбат қилсалар, қиз болаларни яхши муаллималарда ўқитишга ва ислом тарбияси билан тарбия этишга интиلسунлар! Ислом тарбиясини кўрган қизлар, вақти келиб эрларига ақлли кенгашчилар бўлурлар, болаларини яхши ўстирувчи она бўлурлар, шу билан бирга эрларининг ютуқларига сабабчи, молмулкларига қоровул, эрларидан ҳам ортиқроқ буюм йиғадиган тиришқоқ одам бўладилар.

## БУЗУҚ ХОТУНЛАР

Бузуқ ва ёвуз хотунларнинг одатлари, юқорида айтганимиз эзгу ниятли хотунларнинг одатларидан тамоман бошқача бўлади. Ёвуз хотунлар йўқ нарсалар учун эрлари билан жанжаллашади. Эрлари бир ишни бажара олмаса, бу ҳақда узоқ вақт хархаша қиладилар. Уэ сўзларини маъқуллаш учун бор кучларини сарф қиладилар, эрлари гапдан қолмаса ёки уйдан чиқиб кетмаса, қулоқ-мияни еб гаранг қиладилар, ўзларининг озгина хизматларини пеш қилавериб, ўлгундай миннат қиладилар, гўё улар дунёни тутиб турувчи устун бўлгандай, керилиб сўзлайдилар. Аммо улар эрларидан кўрган эзгуликларни инкор этадилар. Ҳаттоки, уял-

<sup>1</sup> З о д — озиқ-овқат.

<sup>2</sup> Б о д — шамол (енгил шабада).

май-нетмай «мен сендан ҳеч яхшилик кўрмадим, умрум сен билан бекорга ўтди, жавобимни бер» деб айрилмоқчи ҳам бўладилар. Ҳолбуки, бундай хотунлардан кўпларининг қайтиб кирадиган ўринлари бўлмас, шунинг учун бундай хотунлардан фойда чиқмас, уларнинг ўзлари ҳалок бўлганликлари каби бошқаларни ҳам хасрат билан ҳаёт кечиришларига сабабчи бўладилар.

Агар улар бу хулқсизликларни қилгандан кўра эрларининг газаблари босилишини кутсалар, сўнг хотиржам ва юмшоқлик билан мақсадларини эрларига сўзласалар, қат-қат раҳматлару офаринлар эшитар эдилар. Ушанда эрларининг ихлосу муҳаббати ортишига сабаб бўлар эдилар.

## ЭРЛАР

Турмуш ва маишат, эрлар билан хотунлар орасида ўртоқлик бир иш бўлгани учун хотунлар ҳақида ёзганимиз каби, бир қадар бўлса-да, эрлар ҳақида ҳам ёзмоқ лозимдир. Шунинг учун бу ўринда эрлардан баҳс өтамыз.

Эрларнинг ақли, қуввати хотунлардан ортиқ эканликларига шубҳа йўқдир. Шунинг учун дунёнинг энг аччиқ-чучук тирикчиликларига заиф бўлган хотунлар сабр өтган ва турмуш қурган ҳолда, ақлли ва қувватли эрлар одил иш юритмасалар, улуг айб бўлади. Хотунлар ҳақида шафқатли ва марҳаматли бўлмоқ, улар каби хатоларни авф өтмоқ лозим бўлади. Расул Акром (салло-л-лоҳу алай-ҳи ва саллам) дан «сизнинг өзгу ниятда бўлганингиз — хотунингизга өзгу бўлганингиздир» деган мазмунда ҳадис кўчирилган. Яна Расул Акром (салло-л-лоҳу алай-ҳи ва саллам)дан «мўминлар орасида қандай мўминнинг имони комил бўлур» деб сўраганларида «хотунга яхши бўлганинг» деб жавоб берган.

Эрлар ўзларининг уй-жамоатларига чўпон мисолидадир. Ўтлоқда бўлган ҳайвонлар ҳақида чўпонлар масъул бўлганлари каби, уй-жамоалари ҳақида ҳам өрларидан сўрамоқ зарур. Шунинг учун хотунларнинг ташқи ва ички томонларини, яъни кўнгулларини тарбия өтмоқ, қоидага туширмоқ, вақт ва замони билан муроса қилмоқ, өруғ юз ва очиқ сўзли бўлмоқ лозимдир.

Баъзи ҳақимлар, яъни аҳволни дуруст билувчи кимсалардан ривоят этилишича, улар айтар экан: аҳлига ёруғ юз бермаса, ўшандоқ тегишли вақтида муроа этмаса, ул кимсадан турмуш лаззати кетар. Бу вса, тўғри ва тажриба билан дуруст билинмиш бир ҳолдир.

Турмуш кўркам бўлсин, деб ният қилган киши учун ўз хотунининг табиати билан ўз табиатини бир ўринга қўйиш, яъни икки табиатни бир бирига яқинлаштириш учун интилиш лозим бўлади. Ўшандоқ тадбиру хизматларни мувофиқлаштириб, икки орани бирлаштирмақ лозим бўлади. Илму фазл аҳлларининг буюрган ва ўзлари қилган одатларига ва ишларига ҳам эргашмоқ муносибдир. Чунки, эр билан хотун орасида бўлажак турмушнинг одобларини баён этиб айтилган сўзлар ва ёзилган китоблар ҳисобсиздир. Бу жумладан, машҳур олим раҳматли фақиҳ Абу Лайс айтади: хотунларнинг ўз эрлари устида ушбу турдаги хақлари бордир.

1. Агар хотунлар энг улуг кимсалар боласи бўлмаса, улар уй ичида бўлган хизматларни, яъни ош пиширмоқ, чой ҳозирламоқ ҳамда емоқ-ичмоқ каби ишларни қилади.

2. Имон, ислом, таҳорат, фарз, вожиб, ҳаром бўлган нарсаларни шундайлигича хотунларни ўзларигагина махсус нарсалар эканлигини билдурсун, ўргатсун.

3. Ҳалол едириб ичирсун, ўшандоқ ҳалол кийдурсун.

4. Уларга зулму жафо қилмасун.

5. Агар улар ўжарлик қилсалар, адабсизлик қилсалар, сабр қилсун, насиҳат қилсун. Улардаги камчиликларни кечурсун, баъзиларини билмасликка олсун.

Ҳаммамизга маълумдирки, уй ичидаги бўлган ҳамма майда ишларни хотунлар бошқариб, уларни адо этадилар. Бутун уйнинг ичида бўлган нарсалар ҳар кун кўп мартаба уларнинг қўлидан ўтади. Ҳолбуки, машғул бўлган нарсаларнинг кўпи сопол тоғора, коса, чойнак, пиёла, хурмача, лампа, қозон, чўмич, капкирлар каби, қормоқ-тўғрамоққа салоҳиятлидирлар. Булар билан кўп шуғулланганликлари сабабли қайси бир вақтда бу нарсаларнинг баъзиларини синдирсалар ёки ишдан чиқарсалар — бунинг учун беадабларча газабланмоқ ақлли эрларга асло муносиб эмас. Зеро, бу нар-

салар билан хотунлар сингари эрлар ҳам шуғуллансалар эди, албатта, ўзлари ҳам туширар ва зарар келтирар ҳам эдилар. Шунинг учун бундай ўринларда мутлақо авф этмоқ лозимдир. Энг гайратли ҳукмрон бўлган ҳазрати Умар—худо ундан рози бўлсин—айтган эди: хотунлар мени гуноҳдан сақлашга сабабчидирлар, уйимни қарайдилар, молимни боқадилар, кийимларимни ювадилар, болаларимни эмизадилар, тарбия қиладилар. Овқатларимни пиширадилар ва нонимни ёпадилар. Шунинг учун мен уларни кечираман. Сизларнинг хотунларингиз ҳам шундай эмасму? Шундай бўлса, ҳазрат Умарнинг хулқи сизга ҳам ўрнавек бўлишга яраса керак.

### ҚАЙНОНАЛАР БИЛАН КЕЛИНЛАР ОРАСИДА БЎЛАДИГАН ОДОБ БАЁПИДА

Ислоҳ шариятда илм эзгуликлари ҳақида кўп нарса ёзилган. Унда ҳар нарсани ўзинга раво кўрсанг, уни бошқага ҳам раво кўр, деган бир қоида ҳам бор. Келинлар ҳақида сўз кетганда бу қоида хотирда тутиш лозим бўлгани учун сўз бошида уни зикр этган эдик.

Узаро жанжал, келишмовчилик бўлган уйда роҳат бўлмаслиги ҳар кимга маълумдир. Бир-бирлари билан борди-келдиларга бориш қандайдир бир вақтда қайноналар билан келинлар орасида бўлади.

Гарчи бу иш бошда озу ва эътиборга лойиқ бўлмаса ҳам, муносиб даражада босди-босди қилинмаса ҳамда унга чек қўйилмаса, бора-бора зўрайиб кетади ва турли-туман зарарларни келтириб чиқаради. Боболаримиз «ўтнинг боши бир учқундир», деганлар.

Энди қайноналар, уй ичида кўп яшаган ҳурматли кимсалар бўлганликлари учун ўзларининг билганлари ва тадбирлари билан келинларини яхши одатларга, қиз болаларни эса гўзал одобларга ўргатмоқлари лозимдир. Бордию, улар бунинг аксини қилсалар, уларга жабру зулм қилган бўладилар, бу эса айб ҳам гуноҳ саналади.

Бу кунда кўзингиз нури каби кўриб ўстираётган қизларингиз, сизнинг тарбиянгиздан айрилиб, бир кунда чет юртларга ва билмаган кимса орасига келин бўлиб кетадилар, балки кетганлар. Шу қизларингизнинг хуш тириклик ва роҳатли умр кечиришларини кўрсангиз на қадар шодланурсиз, на қадар севинурсиз,

агар уларни оёқ остида, зулму жафо ичида кўрсангиз, қон ёшларингизни тўкиб қайгурарсиз. Шундай эмасми?! Бу сизга келин бўлиб тушганлар ҳам бировларнинг кўз қораси-ю, умрининг сармоясидурлар. Улар ҳам тамом сизнинг каби қизларини роҳатда умр кўришларини истаб, қора хабарларни эшитишга ҳеч рози эмаслар. Шунинг учун сиз қайноналар ўзингиз хуш кўрган, севган нарсани биров ҳам севмоғини ўргатингиз. Бу бир ақлдирки, қизил олтунларга алмаштирилмас. Баъзи бир қайноналар борки, келинларини ҳар вақт хўрлайдилар уларнинг қилган ишларидан, айтган сўзларидан айб топиб турадилар, фурсат келганда ўғилларига ёмонлаб, бўлса ҳам, бўлмаса ҳам устидан сўзлаб ёмон кўрсатишга тиришадилар. Сўнгра ўғлини хотунидан ажралишини талаб қиладилар, ажралмаса, алоҳида яшагин, деб зўрлайдилар. Емоқ, ичмоқ ҳақида ҳам кўп азоб берадилар. Шу сабабли ҳеч бир ўринсиз равишда бир хонадоннинг бахти кетади, ораларига душманлик тушади. Ҳаётлари таъмсиз, дунёлари лаззатсизланади, охири бу уй аҳли тарқалиб хонавайрон бўлади. Ҳолбуки, бунинг асл сабаби, қайнонанинг хулқсизлигидан бошқа нарса эмас. Дунёда туражак уч-беш кунлик умрда, чечак отмоққа, мева бермоққа ҳозирланган ёшларнинг умрларига оғу қўшиб, роҳатларига заҳар соладилар. Бундай ақлсиз хотунларга ҳаёт вақтида ҳеч ким раҳмат демас, ўлганларидан кейин ҳам уни соғинмаслар, чунки ундайлар соғинадиган кишиларнинг кўнглини совутиб кетганлар.

Аммо яхши қайноналарни ҳар ким мақташ билан бирга, раҳмат билан ёдлаб ҳам турадилар. Бошқаларга ибрату ўрнак этиб кўрсатадилар. Шулар жумласидан менинг қайнонам Тўтиё Файзуллоҳ қизи эди. Аллоҳ Таоло раҳмат қилсин! Уй ичида ақлу шафқат билан тадбир этганда бошқалар унинг илму амалидан лаззат олар эди. Келини бўлганим ҳолда мен фақирдан илм ўрганар эди. Ул зот эзгу хотунларнинг бириси бўлиб, Аллоҳ Таоло неъматларига шукр этиб дунёдан ўтди.

Қайноналарга шафқату марҳаматли бўлмоқ лозим бўлгани каби, келинларга ҳам ўзларининг қайноналарига итоат этмоқ, хизмат қилмоқ гўзал ишлар бўлмоғига шубҳа йўқдир.

Шундай қилиб, яхши хизматлар этиб қайноналаридан дуо олган келинларга бир кун келиб, ўз келинлари

ҳам хизмат қиладилар. «Хизмат этган, хизмат кўрур» деганлари шу!

Яхши маишат этишни келинлар истаганлари каби, қайноналар ҳам йиллаб тарбиялаб ўстирган ўғлонлари учун умид этсалар керак. Келинлар ҳам уларни туққан оналари мисолида кўриб хизматлари ила ризо қилсалар, ҳар икки тарафнинг вазифаси комил этилган бўлади. Шу сабабдан ўша уйнинг ҳусн-и маишати кўркем, тириклиги ҳам ўз ўрнида бўлади.

## ЎГАЙ БОЛАЛАР, ЎГАЙ КЕЛИНЛАР ҲАҚИДА

Хотунларнинг ақллилиги, софдиллиги ва эзгулиги ўғай болалар ўғай келинлар орасига келган вақтида маълум бўлади. Шу вақтда ўзини ўғайларга муҳаббатли кўрсатишга тиришади. Аста-секин улар бир сўз билан уйни тикламоққа ҳаракат қилади. Шунинг билан уйнинг ичида бир низому тадбир жорий этиб, душманлик чиқарувчи сабабларни тугатади. Агарда бошда бир қадар тиришиб тартибга солса, умр борича роҳатда яшаб кўп хотунларнинг ўз болаларидан кўра олманган хизмату роҳатларини бу хотун ўша ўғайлардан кўради. Ҳаттоки, баъзи бир хотунлар бўладики, олдин гап-сўз бўлган хонадонга келиб кирмаги билан, шу гап-сўзларни сўндириб, тинчликка айлантириб юборурлар. Бундай хотунлардан дунё ҳам кўз юмиб турмас, балки буни кўрадилар ва ҳар ким раҳмат айтиб, мадҳу сано ўқурлар. Марҳаматли Аллоҳ Таоло бунга ҳам охирагда ўзининг чексиз савобларидан улуш чиқаради.

Баъзи бир хотунлар бўладики, ўғайлар орасига келиб киргандан кейин, хонадонда товуш қалқийди, кўркем тириклик кўтарилади. Уй ичида бўлган барча одамлар роҳатсизланади. Бунинг устига — «Фалон кимса ёш хотун олди-да, оздию-тўзди», деб айтадилар. Ҳаттоки, бу хотун сабаб бўлмаган айбларни ҳам унга тўнкайдилар. Балки, охирида эри ҳам бундай айб топиб, ихлоси қайтади. Шу вақтда фитна ишларининг учлари, ҳийла арқонларининг ўзаклари узилади-да, бу хотунни «Раҳм эт», деб келган йўлига узатиб қўядилар. Бу икки турли хотунларнинг қайси бирининг ҳоли яхши? Сиз қайси бирини ёқлардингиз?!..



Ҳолбуки, дарғазаблик ерга сингмас. Угайларга қилган жафолари, гап-сўзлари ортиғи билан ўзига қайтади. Бу эса, дунёнинг энг эски хулқи-атворидир. Боболаримиз «Бигиз қопчиқда ётмас» деганлари бежиз эмас.

### ХИЗМАТЧИЛАР ҲАҚИДА

Одам боласининг қайси бири билувчи, қайси бири билмас бўлгани каби, бойлик-камбағалликда ҳам бир текис эмаслар. Аллоҳ Таолонинг улуғ ҳикматидирки, бир онадан туғилганлари ҳолда баъзилари хожа ва баъзилари ёлланма ишчи бўлиб умр ўтказадилар.

Ақлли кимсалар, бу ёлланма ишчиларнинг ўзлари ила туғишган эканликларини ҳеч унутмаслар. Уларнинг емак-ичмак, киймак-ечмакларида кенглик ётарлар. Тоқатлари етмаган ишларга зўрламаслар. Рўза ва байрам вақтларида улар хизматларини энгил қилурлар, хатоларни авф ётарлар. Иш буюрғанда юмшоқ сўзлаб буюрурлар, хизмати битгандан сўнг раҳмат айтиб кўнгилларини кўтарурлар.

Одам бўлган кишилар бир вақтда ёлланма ишчилари ила бақиршиб юрмаслар, чунки улар хулқсиз кишиларни ёлланма ишчи этиб тутмаслар. Шунинг учун уларга овозларини баланд этиб юришга ҳожат ҳам бўлмас.

### БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯ ЭТМОҚ ҲАҚИДА

Болаларни тарбия қилмоқ ислом шариатимизнинг биринчи даражада эътибор этган масъаласидир. Лекин биз бу ўринда ёлғиз баъзи бир риояси лозим бўлган одобларнигина зикр этамиз.

Бола дунёга келганда энг аввал эшитган товуши Аллоҳ Таолонинг исми бўлиши лозимдир. Шунинг учун унинг қулоғига азон айтилади. Ундан сўнг асал ёки бошқа нарса билан боқа бошланади. Еттинчи кунда сочи олиниб, сочи оғирлигида кумуш ёки олтин садақа берадилар. Шу куни исм берадилар. Бўлажак исм яхши ва таъсирли бўлиши лозим. Шунинг учун болага бериладиган исми чол-кампира эмас, олим-имомлар сайлаб қўядилар. Ва яна шу еттинчи кунда эр бола учун икки, қиз бола учун бир қўй қурбон қилинади. Буни эса «ақиқа қурбони» деб атайдилар. Бу қурбоннинг бутуни кекса бобога берилади, қолганини

фақирларга тарқатилади. Ҳеч нарсаси синдирилмай, балки бўғинларидан ажратилади. Қурбонга дуруст бўлган қўй, ақиқага сўйилса ҳам дурустдир. Ақиқа қурбони боланинг саломат бўлмоғига сабаб бўлар эмиш.

Мумкин қадар болани ўз онаси эмизиши лозим, чунки бола учун она сути қадар яхши нарса бўлмас, Онасининг эмизиши мумкин бўлмаса, у вақтда бир эзгу хотун топиб унга берилади. Бола эмизувчи хотин — сут онасининг ёши йигирма беш билан ўттиз орасида бўлса яхши бўлади. Сут онаси эзгу, кўркам хулқли, аъзоси саломат бўлмоғи лозим. Аччиқланувчан, қайғурувчан хотунлар сут она бўлмоғи мақсадга мувофиқ эмас. Болани тарбия этганда покликка риоя қилмоқ жуда ҳам муҳимдир.

Ота-оналар қўлида болалар азиз омонатлардир. Шунинг учун буларни гўзал тарбия этмоқ, яхши хулқларга ўргатмоқ ва кўркам одатларни тушунтирмоқ лозим бўлади. Тарбия ила бир болани олтин этмоқлик мумкин, тупроқ қилмоқ ҳам мумкин. Буларнинг ҳар иккисига ота-оналари сабаб бўладилар. Энди, шунга фикру эътибор қилинсан! Болаларни тарбия этувчи оналарнинг ўзлари олган тарбиялари, билган нарсалари қандай даражада бўлмоғи лозим. Гапира бошлаши билан, болаларга ўз тилимиз «туркча» билан имон ўргатилади, ал-ҳамду, оятул курси каби сура, оятлар ҳам ёдлатилади. Ушбу вақтдан бошлаб ислом одоблари билан болаларни тарбия этиш бошланади. Тарбия хусусда тиришмоқ жуда ҳам зарурдир, чунки бу чоғда болалар тол новдаси каби қаёққа букса, ўша ёққа букилади.

Олти, етти ёшга тўлганда — ўқитиш бошланиб, мактабга ҳам юбориладилар. Ушбу ёшларда ҳам қизлар билан эр болаларни айрим ётиш ва ухлатишга ўргатилади. Намоз ўқимоқ ҳам билдирилади. Ҳамиша кузатиб борилиб, болаларнинг хулқларини тузатишга ҳаракат қилинади. Хулқсизлик, хусусан, тез аччиқланмоқ, йўқ нарсага қайғурмоқ каби нарсалар хасталик жумласидандир. Шунинг учун уларни битиришга ғайрат қилмоқ лозимдир.

Болалар учун бир-бирисини қўрқитмоқ, қўрқитадиган қилиб ҳикоялар сўзламоқ жуда зарарлидир. Шу сабабли, ҳаттоки болалар тунлари ўз сояларидан ва ёки бошқа соялардан қўрқа бошлайдилар. Ётгач, ух-

лай олмай, ухласа ҳам безовталаниб, роҳатсизланадилар, қўрқинчли нарсалар билан довдираб уйғонадилар. Бунинг натижасида бир хасталик келиб чиқади.

Ушандоқ болаларнинг танлари, уст-бошлари пок бўлмоғи лозим. Тирноқлари ҳам олинган бўлиб, кийим киймоқ, ошамоқ, ичмоқ ва катталар билан ўтирмақ одобларини билдирмоқ ҳам зарур.

Овқатланаётган вақтда ҳамиша силкиниб, қимирлаб турмоқ, қош ва кўзлари билан ишора қилмоқ, кийим ва аъзолари билан ўйнамоқ, четга айланиб қарамоқ ёки бошқа кишининг овқатланишига қараб турмоқ, одамлар олдида керишмоқ, кишилар ё овқатга қараб йўталмоқ, ёнида бўлганлар билан яширинча сўзламоқ, қийқириб кулмоқ, овозини баланд қилиб ёки эшиттирмай пичирлаб сўзламоқ, катталар ёнига кирганда қўлида зонт ёки таёқ тутиб кирмоқ каби нарсалар жумласи адабсизлик саналади. Шулардан болаларни илож борича сақламоққа ҳаракат қилинади.

Болаларга меҳрибон бўлмоқ, кўнгиллари топтоқ улуглик саналади. Совға бераётганда кичкиналардан ва қизлардан бошлаб бермоқ одобдандир. Таъқиқланмаган ўйинларга рухсат берилади. Зеҳн ва хотири яхшилашга ўйиннинг фойдаси бордир.

## УЙ ТУТИШ ҲАҚИДА

Ислом шариатимиз ҳар қачон поклик ва софликка ундайди. Воқеан пок бўлганда бир роҳатлик ҳам бордирки, ҳар ким ўзи синаб кўрган бўлса керак. Шунинг учун уй ва хоналарни чўп-хаслардан, чанг-тупроқлардан супуриб туришга одат этмоқ лозимдир. Ушандоқ идиш-товоқ, қошиқ-пичоқ, қозон, самовар ва шу кабиларни ҳар доим пок этиб турмоқ зарурдир.

Ургимчак уяларини олмоқ ва уй атрофларини соф тутмоқ хотунларнинг энг катта вазифалари ҳисобланади. Ҳар нечук бўлса-да, мусулмон кишига пок турмуш қурмоқни шариат буюради.

Балиқларнинг сувсиз тура олмасликларини ҳар ким билади. Шунинг учун бизлар ҳам дунёда яшамоғимиз учун ҳавога муҳтожмиз. Нафасимиздан эски ҳавони чиқариб, янги ҳавони ичга юбориб турамыз. Ҳавосиз яшаш мумкин эмас. Эски ва исланган сувларда балиқлар ўлганлари каби, ҳаво ночору бузуқ бўлса,

одамларда ҳам хасталик ва ранжишлик зоҳир бўлади. Шунинг учун яшайтурган ўринларни, хусусан, уйларнинг ичларини ювиб қуритмоқ, ис ва шу каби нарсалардан соф этмоқ керак. Фурсати билан деразаларни очиб, уйнинг ҳавосини алмаштирмоқ фойдалидир. Шунингдек, ортиқ иссиқ бўлмаган қуёшда юрмоқнинг ҳам фойдаси бор. Уйнинг кичкиналиги сабабли лампа, шам ва ёки одамларнинг нафаслари билан ҳаво бузилса, у вақтда эшик очиб бўлса ҳам ҳавони янгиламоқ лозим. Лекин терлаган ҳолда очиқ дераза олдида ўтирмоқ зарарлидир. Янги солинган уйларда бўёқлар тамом қуриб кетмасдан яшамоқ ҳам зарарлидир.

### БАЪЗИ БИР ОДОБЛАР ҲАҚИДА

Кечаси, «Бисмиллоҳ» ўқиб, эшикларни беркитмоқ, деразанинг пардаси бўлса, туширмоқ, чироқларни ўчирмоқ лозим. Учоқ, самовар, чўлмақ (тандир ичига қўйиб олинадиган мўнди шаклидаги қозон) каби ўт туширувчи нарсаларга яхши қараб, тўлуқ ўчириб битирмоқ, эт, мой иси бўлган қўл оғизлар ва бошқа нарсаларни ювиб тозаламоқ ҳам одобдандир.

*Тугатиш тарихи октябрь 1897 сана.*



## «МУОШАРАТ ОДОБИ» ЕКИ ОЛИМАХОНУМ



Ушбу «Муошарат одоби» номли китоб ўзимизнинг турмуш ҳаётимизда бўлган баъзи ҳолларни шариатга татбиқ этмоқ (ўлчамоқ) учун ёзилган. Уқувчилар ва қаровчилар кўп фойда оладилар, деб умид қиламиз. Ёзувчиси Олимахонум бир уй аҳлига оналик хизмат этгани каби қиз болаларга нақадар муаллималик ҳам қилмоқдадир. Фикрининг баланд эканлигини билмоқ учун рисоланинг бошида бўлган бир-икки сўзни ўқимоқ етса керак. Воқеан бу бир-икки сўзлардир, лекин миллион сўзлардан афзал сўзлардир.

Фикрни ишлатмоқ ёки илми ила амал этмоқ нияти ила хонум афанди ушбу рисоласини ёзибди. Ғайрат ва жинсдошларга хизмат қилмоқ шундай бўлади-да, гўзал хизмат бу. Табрик этамиз!

Бизга ёзган мактубида, рисоласини энгил ёзгани учун, фасоҳат, балоғатдан ва кўп зийнатли сўзлардан яланғоч бўлганидан шикоят қилади. Лекин айбга буюрмасинлар, бу фикрлари бизнинг билишимизга кўра айтганларига тамомила хилофдир. Шунинг учун бу фикрларга қўшилмоққа ҳам ҳеч ниятимиз йўқдир. Рижа этамиз, хонум ҳазратлари араблар тарафидан айтилган фасоҳату балоғат таърифларини кўнгилларига келтирсинлар! Воқеан буларга ўн турли, юз турли таъриф этилгандир, лекин лафзаларда бўлган бошқалиқларини эътиборга олмасак, жумласида мақсудли бир нарса бор. Унда «мақсадни дурусту энгил англамоқ» демоқдан иборат бўлур.

Энди фасоҳату балоғат ушбудан иборат бўлгани ҳолда, ўз қавмимиз учун ўзимизнинг она тилимизда ёзилган бир рисола ни фасоҳату балоғатдан яланғоч бўлди, демак мувофиқ эмас.

Миллион-миллион хотунларимизу болаларимиз сиз каби ҳурматли адибларимиздан тилу адаб ўрганишга муҳтождирлар. Шунинг учун сизларнинг ёзжак рисоаларингиз улар ўқийдиган ва фойда оладиган сувратда бўлмоғи лозимдир. Тилимизни сақламоқ лозимлиги ҳақида «Тонг юлдузи» номли бир мақола ёзган эдим. Агарда у вақтда кўнглимга келган нарсалар ҳозир тушганида эди, бор куч-қувватим ила барчасини ёзган бўлар эдим...

Янглиш бўлмаса, эшитишимча, Япониянинг ақларни ҳайрон қолдирарлик даражада олға кетувларининг бир сабаби, олимлари-ю донолари экан. Яъни китоб ёзувчиларининг одатлари очиқ ёзмоқ ва энг улуғ шаҳарларида ўтириб, энг улуғ бир олимлари ёзиб чиқарган рисола ни энг оддий авомлар, қишлоқ кишилари ўқибу англаб ундан фойда олар эканлар. Бу одатни биз ҳам қабул этсак, шояд зарар бўлмас эди. Ҳолбуки, илм бобида бўлган қуввату иқтидор энгил сўзларни оғир этиб сўзламоқдан иборат бўлмас, балки оғир сўзларни энгил англата билмоқдан иборатдир.

Ҳарна «аввало зарурлардан энг зарурини билмоқ лозим» деган қоидага риоя қилар бўлсак, очиқ ёзмоқ, энгил ўқитмоқ усулини истеъмол этмоқлигимиз керакдир. Дўстларимизу асрдошларимиздан кўп кимсаларни биламизки, этилган аслга (яъни очиқ ёзмоқ, энгил ўқитмоқ) икки қўллари ила тутинмишдирлар.

Фикрингизга қўшилмаганимизнинг сабаби эса, ушбу ёзганларимиздир. Шундай бўлса ҳам фикримизни мутлақо тўғри деб, даъво этмайман. Сўзланган сўзлар орасида баъзиси тўғри, баъзиси янглиш бўлиши одатдир. Менинг сўзларимда ҳам, балки бир янглишлик бордир. Агарда унинг дурустлантиражак ўринларини кўриб, баён этсангиз мамнуният ила қабул этамиз,

*Ризоуддин ибн Фахруддин  
ноябрь, 1897 сана.*



# «МИНГ БИР ҲАДИС» ДАН ҚИРҚ ҲАДИС

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

\*  
\* \* \*

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ  
ВА ФАРЗАНДЛАР БУРЧИ

\*  
\* \* \*

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ

\*  
\* \* \*

НИКОҲ ВА МУҲАББАТ







**«МИНГ БИР ҲАДИС» ДАН ҚИРҚ ҲАЛИС  
РАҲМДИЛ ВА МЕҲРИБОН АЛЛОҲ НОМИ БИЛАН**



1. Қимки менинг умматим учун суннатимдан қирқ ҳадисни ёд олса, қиёмат кунда шафоатимга дохил бўлур.

2. Бир одамнинг бошқа бир одам билан учрашганда салом бермоғи, саломдан сўнг ҳол-аҳвол сўрашмоғи Аллоҳ наздида ҳам, Расулulloҳ наздида ҳам яхши иш саналур.

3. Аллоҳ ризо бўлишини истасангиз, болаларингизга доимо адолат қилингиз.

4. Отага муҳаббатингни сақла, агар сен отага бўлган муҳаббатингни йўқотсанг, Аллоҳ сени ҳар турли файзлардан маҳрум қилур.

5. Аллоҳ оталарингиз номи билан онт ичмоқни тақиқлайди.

6. Ҳотинларда эрнинг ҳаққи кўпроқдир. Эрларда эса оналарининг ҳаққи кўпроқдир.

7. Пулнинг хайрли ва яхшиси оила аъзолари эҳтиёжига сарф этганидир.

8. Аллоҳ қошида кўп бола туққан хотин бола туғмаган гўзал хотиндан ортиқ севиқлидир. Мен қиёмат кунда умматимнинг бошқа умматлардан ортиқ бўлишини орзу қиламан.

9. Эр билан хотин бир-бирига марҳамату муҳаббат назари билан қараса, бир-бирларига изҳори муҳаббат қилишса, бутун гуноҳлари бармоқ ораларидан тўкилур.

10. Отасининг вафотидан кейин ҳам, унинг ҳаёт вақтидаги дўстларини дўст тутган одам яхшиларнинг яхшисидир.

11. Мен сизга икки заифнинг моли ва ҳаққини харом айладим: бири етим, иккинчиси хотин.

12. Сенинг ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир.

13. Ҳалол ризқ исташ ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

14. Жаннатга кираман деган одам оналарнинг ризолигини олсин.

15. Хотинларга башорат: ҳомиладор бўлурлар, туғарлар, болаларини эмизадилар, болаларига марҳаматли ҳам бўлурлар, агар эрлари билан яхши муошарат қилиб, намоз ҳам ўқисалар, жаннатга киришлари шубҳасиздир.

16. Ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлур.

17. Мўмин кишида ёмон хулқ билан бахиллик бўлмас.

18. Никоҳнинг хайрлиси енгилгина, тезлик билан бўлиб ўтганидир.

19. Кичикни ҳурмат қилмаган, қарининг қадрига етмаган бизнинг аҳлимиз эмас.

20. Кимнинг ёш боласи бўлса, унга ёш бола каби муомала қилсун.

21. Ғайрат, оила аъзоларининг номусини муҳофаза қилиш имондандир. Бунинг акси — номуссизлик эса нифоқу тубанликдандир.

22. Енг, ичинг, кийиникт, садақа қилинг, фақат исроф қилманг, такаббур ҳам бўлманг.

23. Ҳар нарсанинг бир калити бор, жаннатнинг калити мискину фуқарога муҳаббат қўймоқдир.

24. Хаста бўлганигда ҳол сўраган кишининг ҳолини сўра. Сенга ҳады берган кишига сен ҳам ҳады бер.

25. Хотинлар кийимини кийиб юрган эрларни ва эрлар кийимини кийиб юрган хотинларни Аллоҳ лаънатласин.

26. Бир одамнинг бир уйда ёлғиз ётмоғи ман этилган.

27. Қўшнинг сени яхши деб билса, албатта, яхшисан, ёмон деб билса, ёмонсан.

28. Кимки ўғай ёки етим болаларни тарбия ва ҳимоя қилиб ўстирса, у жаннати одамдир.

29. Кимки қабрдаги отасининг ризолигини тиласа, отасининг яқинларини зиёрат қилсун.

30. Отага итоат қилмоқ Аллоҳга итоат қилмоқдир. Отага гумроҳлик қилмоқ Аллоҳга гумроҳлик саналур.

31. Отанинг дўстини ҳурмат этмоқ яхшиликдир.

32. Икки мусулмон бир-бирига рўбарў келиб қўл берса, Аллоҳ Таоло, бир-биридан айрилмасидан олдин ҳар иккисининг гуноҳини кечирур.

33. Ҳеч бир ота боласига яхши одобдан ортиқ ҳадя беролмайди.

34. Аллоҳ Таоло олдида тўғри сўздан яхшироқ садақа йўқдур.

35. Тежамкорлар муҳтож бўлмаслар.

36. Илм истаб ўтказган бир соат тун бўйи ибодат қилишдан яхшироқдир. Илм истаб ўтказилган бир кун уч ой рўза тутишдан яхшироқдир.

37. Сахий кишиларнинг таоми шифодир, бахил кишиларнинг таоми хасталиқдир.

**38. Тўйда бир кун таом бермоқ суннат, икки кун таом бермоқ фазилат, учинчи куни эса халқ орасида шуҳрат учундир.**

**39. Илм истамоқ ҳар бир мусулмонга фарздир.**

**40. Инсонларнинг карами диндадир, муруввати ақлидадир, обрўси ахлоқидадир.**



## МУНДАРИЖА

Аждодларимиз мероси — қадриятларимиз асоси . . . . .	3
Муаллифа тарафидан бир-икки сўз . . . . .	6
Мушарат одоби . . . . .	7
«Мушарат» одоби ёки Олимаҳонум . . . . .	21
«Минг бир ҳадис»дан қирқ ҳадис . . . . .	23

**Массовое издание**

*На узбекском языке*

**ОХУНД ЛУТФУЛЛОХ СУЛАЙМОНИЙ КИЗИ  
ОЛИМАТ УЛ-БАНОТ**

**О БЛАГОРОДНОМ ПОВЕДЕНИИ**

**Издательство «Меҳнат» — Ташкент — 1991**

Книга издана по заказу и  
финансирована творческим объе-  
динением «Туркестан». Отпечата-  
на на бумаге, приобретенной по  
договорной цене.

**Рассом О. Бабликова**  
**Техн. муҳаррир Н. Сорокина**  
**Мусаҳҳиҳлар М. Саидбоева, Г. Муҳсимова**

**ИБ № 1220**

Теришга берилди 20.01.91. Босишга руҳсат этилди 15.02.91. Улчами 84×108<sup>7/8</sup> мм. № 2 қоғозга. «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Шартли бўёқ улчами 1,89. Нашр т. 1,26. Тиражи 300 000. Буюртма № 3259. Баҳоси 2 с. Шартнома асосида

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий. 30 Шартнома № 9-91,

Ўзбекистон ССЖ Матбуот Давлат қўмитаси Ф. Фулом номи нашриёт-матбаа биришмасининг 1-босмаҳонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-тип, 2-уй.